



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 22 » iyun

№ 390

Toshkent sh.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “Е-қарор” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарорига мувофиқ:

а) **2021 йил январь–май ойларида** Қашқадарё вилоятида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “Е-қарор” тизимини (кейинги ўринларда – “Е-қарор” электрон тизими) апробация қилиш юзасидан **ҳуқуқий эксперимент ўтказилганлиги;**

б) Қашқадарё вилоятида “Е-қарор” электрон тизимини жорий этиш бўйича ўтказилган эксперимент натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш) муддатлари қисқарганлиги, уларни ишлаб чиқишда инсон омили ва аралашуви камайганлиги, шунингдек, қарорлар ва фармойишлар билан аҳоли доимий равишда танишиш ҳамда ҳудудий адлия органлари уларни мониторинг этиб бориш имконияти яратилганлиги;

в) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** ҳуқуқий эксперимент натижалари асосида “Е-қарор” электрон тизими республиканинг барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида **жорий этилиши белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш “E-qaror” электрон тизими орқали амалга оширилади;

“E-qaror” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш “E-qaror” электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш ва уларни манфаатдор ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа ташкилотлар билан келишиш тартиби;

б) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда келишилган қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва уларни эълон қилиш тартиби;

в) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишни “E-qaror” электрон тизими орқали амалга ошириш;

г) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилишга йўл қўймаслик;

д) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари махфий тоифага кирмайдиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини мустақил равишда ушбу тоифага киритишни тақиқлаш;

е) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини фақат “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш жараёнларининг доимий мониторингини олиб бориш;

мониторинг натижаларига кўра “E-qaror” электрон тизими орқали келишиш учун юборилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларига манфаатдор ташкилотларнинг белгиланган муддатларда муносабат билдирмаган раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан таъсир чораларини кўллаш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “E-qaror” электрон тизимини доимий такомиллаштириб бориш.

4. Белгилансинки:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини** “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш 2-иловага мувофиқ;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган **норматив тусга эга бўлмаган қарор ва фармойишлар лойиҳаларини** “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш 3-иловага мувофиқ тартибда амалга оширилади.

5. “E-qaror” электрон тизимини барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этиш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2021 йил 1 июлга қадар:**

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан “E-qaror” электрон тизимига уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш ва келишишда иштирок этувчи барча ташкилотларини “E-qaror” электрон тизимига улаш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “E-qaror” электрон тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб борсин. Бунда “E-qaror” электрон тизими орқали:

қабул қилинган (чиқарилган) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини манфаатдор ташкилотлар ва ижрочиларга етказишни ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz) белгиланган тартибда жойлаштириш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига юбориш назарда тутилсин.

“E-qaror” электрон тизимини такомиллаштириш учун бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамамов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири



А. Арипов

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва
фармойишларини “Е-қарор” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш,
келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш
ва эълон қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишларини (кейинги ўринларда – ҳужжатлар лойиҳалари) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “Е-қарор” тизими (кейинги ўринларда – “Е-қарор” электрон тизими) орқали **ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш) рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартибини** белгилайди.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларининг лойиҳалари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар лойиҳалари “Е-қарор” электрон тизими орқали қабул қилинади.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш “Е-қарор” электрон тизими орқали амалга оширилади.

“Е-қарор” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

4. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари лойиҳаларини “Е-қарор” электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди.

Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари махфий тоифага кирмайдиган ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил равишда ушбу тоифага киритиш тақиқланади.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари лойиҳаларини “Е-қарор” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш ушбу қарорга 2 ва 3-иловалардаги схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ҳужжатлар лойиҳаларини “Е-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш ва келишиш

6. Ҳужжатлар лойиҳалари маҳаллий давлат ҳокимияти органининг масъул таркибий бўлинмаси ёки манфаатдор ҳудудий давлат органи (кейинги ўринларда – ишлаб чиқувчи) томонидан “Е-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқилади.

7. Зарурат бўлганда ишлаб чиқувчи лойиҳани “Е-qaror” электрон тизими орқали манфаатдор ташкилотлар билан келишиш учун юборади.

8. Манфаатдор ташкилотлар “Е-qaror” электрон тизими орқали кўриб чиқиш учун келиб тушган лойиҳани 3 кун муддатда:

иш юритувига қабул қилади ҳамда кўриб чиқади;

электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойиҳа юзасидан ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали ўз таклиф ва эътирозларини кўрсатган ҳолда жавоб хатини киритади;

келишилган лойиҳани уларни ишлаб чиқувчига юборади.

9. Манфаатдор ташкилотларга келишиш учун киритилган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан белгиланган муддатларда “Е-qaror” электрон тизими орқали муносабат билдирилмаган тақдирда, лойиҳа келишилган ҳисобланади.

Ҳужжатлар лойиҳаларининг мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда қабул қилиниши юзасидан жавобгарлик барча манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимлари зиммасига юкланади.

10. Ишлаб чиқувчи 3 кун муддатда манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳужжат лойиҳасини электрон тизимдан олади ва уни манфаатдор ташкилотнинг тегишли хулосасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади ҳамда уни электрон тизим орқали тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органига (ҳоким қарори ва фармойиши лойиҳалари бўйича) ёки маҳаллий вакиллик органлари котибиятига (халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари бўйича) киритади.

11. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг тегишли таркибий бўлинмаси, маҳаллий вакиллик органлари котибияти 3 кун муддатда “Е-qaror” электрон тизими орқали келиб тушган ҳужжатлар лойиҳаларини иш юритувига қабул қилади ва уни кўриб чиқади ҳамда лойиҳани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда уни ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали ўз таклиф ва эътирозларини кўрсатган ҳолда қайтаради. Келишилган ҳужжат лойиҳасини маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизматига киритади.

3-боб. Ҳужжатлар лойиҳаларини “Е-qaror” электрон тизими орқали ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ҳужжат лойиҳаси электрон тизим орқали киритилгандан кейин 2 кун муддатда:

ҳужжат лойиҳасини электрон тизим орқали иш юритувиغا қабул қилади ҳамда лойиҳани кўриб чиқади;

ҳужжат лойиҳасини электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки таклиф ва эътирозлари мавжуд бўлса, лойиҳани ишлаб чиқувчига қайтаради;

ҳужжат лойиҳасини имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ёки вакиллик ҳокимияти органи раҳбарига киритади.

13. Ҳужжат лойиҳаси норматив тусга эга бўлган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати:

лойиҳани Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштиради;

жамоатчилик муҳокамаси яқунлангандан сўнг лойиҳа бўйича белгиланган тартибда хулоса тузади;

лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ҳудудий адлия органларига белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритади.

14. Ҳудудий адлия органи маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати томонидан норматив тусга эга бўлган ҳужжат лойиҳаси киритилгандан сўнг белгиланган муддатларда:

лойиҳани белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, лойиҳа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлса хулоса беради ва бу ҳақида электрон тизим орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёки маҳаллий вакиллик органини хабардор қилади;

лойиҳа бўйича таклиф ва эътирозлар мавжуд бўлса, лойиҳани маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизматига қайтаради.

15. Лойиҳага ҳудудий адлия органи томонидан тегишли муносабат билдирилгандан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати 2 кун муддатда:

адлия органининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, лойиҳани имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбарига киритади;

лойиҳа ҳудудий адлия органи томонидан таклиф ва эътирозлар билан қайтарилган бўлса, уни қайта ишлаб чиқади ва ҳудудий адлия органига белгиланган тартибда электрон тизим орқали қайта киритади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи, маҳаллий вакиллик органи раҳбари ёки ҳудудий адлия органи томонидан лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келинган тақдирда, бу ҳақда лойиҳани ишлаб чиқувчини хабардор қилади.

4-боб. Ҳужжатлар лойиҳаларини “Е-qaror” электрон тизими орқали қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш

16. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбари:

ҳужжат лойиҳасини электрон рақамли имзо орқали имзолайди, имзоланган ва махсус рақам билан рўйхатга олинган ҳужжатни “Е-qaror” электрон тизими бош саҳифасида автоматик тарзда эълон қилади (хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар бундан мустасно);

ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш (чиқариш)ни мақсадга мувофиқ эмас деб топган тақдирда, уни белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш учун юридик хизмат ходимига ёки ишлаб чиқувчига қайтаради.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

ҳужжатлар лойиҳаларини фақат “Е-qaror” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш) рўйхатга олиш ва эълон қилиш жараёнларининг доимий мониторингини олиб боради;

мониторинг натижаларига кўра “Е-qaror” электрон тизими орқали келишиш учун юборилган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан манфаатдор ташкилотларнинг белгиланган муддатда муносабат билдирмаган раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан таъсир чораларини қўллайди;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “Е-qaror” электрон тизимини доимий такомиллаштириб боради.

18. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш бўйича манфаатдор ташкилотларнинг раҳбарлари мазкур Низомнинг талабларига риоя қилинишини таъминлаш учун шахсан масъулдирлар.

19. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини “Е-қарор” электрон
tizими орқали ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш),
рўйхатга олиш ва эълон қилиш
ТАРТИБИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Лойиҳани ишлаб чиқади. 2. Лойиҳани “Е-қарор” электрон тизими (<i>кейинги ўринларда – электрон тизим</i>) орқали манфаатдор ташкилотлар билан келишиш учун юборади.	Заруратга кўра
2-босқич	Манфаатдор ташкилотлар	1. Лойиҳани электрон тизим орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда лойиҳани кўриб чиқади. 2. Лойиҳани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойиҳани ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали эътироз ва таклифлари кўрсатилган жавоб хатини киритади. 3. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани ишлаб чиқувчига юборади.	3 кун муддатда
3-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани электрон тизимдан олади. 2. Лойиҳани манфаатдор ҳудудий давлат органининг тегишли хулосасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади. 3. Лойиҳани электрон тизим орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органидаги масъул ўринбосарга ва тегишли таркибий бўлинмаларга ёки маҳаллий вакиллик органлари котибиятлари ва доимий комиссияларига киритади.	3 кун муддатда

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
4-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул ўринбосари, тегишли таркибий бўлинмаси, маҳаллий вакиллик органи котибияти	<p>1. Лойиҳани электрон тизим орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда кўриб чиқади.</p> <p>2. Лойиҳани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойиҳани ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали эътироз ва таклифлари кўрсатилган жавоб хатини киритади.</p> <p>3. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани ишлаб чиқувчига юборади.</p>	3 кун муддатда
5-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	<p>1. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани электрон тизимдан олади.</p> <p>2. Лойиҳани маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи масъул ўринбосари ва тегишли таркибий бўлинмалар ёки маҳаллий вакиллик органи котибиятлари ва доимий комиссияларининг тегишли хулосасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади.</p> <p>3. Лойиҳани электрон тизим орқали тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизматига киритади.</p> <p>4. Лойиҳа маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати, ҳоким ёки Кенгаш раиси томонидан эътироз билан қайтарилган ҳолларда лойиҳани қайта кўриб чиқади, такомиллаштиради ҳамда электрон тизим орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизматига қайтадан киритади.</p>	1 кун муддатда
6-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати	<p>1. Лойиҳани электрон тизими орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда лойиҳани кўриб чиқади.</p> <p>2. Лойиҳани Норматив-ҳуқуқий лойиҳалари порталига муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштиради. Норматив-ҳужжатлар муҳокамаси жамоатчилик</p>	2 кун муддатда

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
		<p>3. Жамоатчилик муҳокамаси яқунлангандан сўнг лойиха бўйича белгиланган тартибда хулоса тузади.</p> <p>4. Лойихани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки эътирозлари мавжуд бўлса, лойихани ишлаб чиқувчига қайтаради.</p> <p>5. Лойихани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ҳудудий адлия органларига белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритади.</p>	
7-босқич	Худудий адлия органи	<p>1. Лойихани электрон тизим орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қилади.</p> <p>2. Лойихани белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади, лойиха қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлса, хулоса беради ва бу ҳақда электрон тизим орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёки вакиллик органини хабардор қилади.</p> <p>3. Лойиха бўйича эътирозлар мавжуд бўлса, лойихани маҳаллий ижро этувчи ёки вакиллик органига қайтаради.</p>	Белгиланган муддатларда
8-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати	<p>1. Лойиха ва худудий адлия органининг тегишли хулосасини электрон тизим орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қилади.</p> <p>2. Адлия органининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, лойихани имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбарига киритади.</p> <p>3. Агарда лойиха худудий адлия органи томонидан эътироз билан қайтарилган бўлса, лойихани қайта ишлаб чиқади ҳамда ушбу қайта ишланган лойихани худудий адлия органига белгиланган тартибда электрон тизим орқали киритади.</p>	2 кун муддатда

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
		<p>4. Агарда лойиха маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбари томонидан эътироз билан қайтарилган бўлса, лойихани қайта ишлаб чиқади ҳамда ушбу қайта ишланган лойихани маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбарига электрон тизим орқали киритади.</p> <p>5. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбари ёки ҳудудий адлия органи томонидан лойихани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келган тақдирда, бу ҳақда лойиха ишлаб чиқувчини хабардор қилади.</p>	
9-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ёки маҳаллий вакиллик органи раҳбари	<p>1 Лойихани электрон тизим орқали қабул қилади.</p> <p>2. Лойихани электрон рақамли имзо билан имзолайди, имзоланган ва махсус рақам билан ҳисобга қўйилган ҳужжатни электрон тизим бош саҳифасида автоматик тарзда эълон қилади.</p> <p>3. Лойихани қабул қилишни мақсадга мувофиқ эмас деб топса, лойихани белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмат ходимига ёки ишлаб чиқувчига қайтаради.</p> <p>4. Имзоланган ҳужжатни электрон тизим орқали масъул ижрочиларга етказиш учун ҳокимликнинг масъул таркибий бўлинмаси ёки Кенгаш котибияти мудирига юборади.</p>	1 кун муддатда
10-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул таркибий бўлинмаси ёки Кенгаш котибияти	<p>1. Имзоланган ҳужжатни электрон тизим орқали қабул қилиб олади ҳамда шу тизим орқали ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказади.</p> <p>2. Имзоланган ҳужжатни мажбурий тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий-веб сайтларида эълон қилади.</p>	1 кун муддатда

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган
норматив тусга эга бўлмаган қарор ва фармойишлар лойиҳаларини
“Е-қарор” электрон тизими орқали ишлаб чиқиш, келишиш,
қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш
ТАРТИБИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Лойиҳани ишлаб чиқади. 2. Лойиҳани “Е-қарор” электрон тизими (<i>кейинги ўринларда – электрон тизим</i>) орқали манфаатдор ташкилотлар билан келишиш учун юборади.	Заруратга кўра
2-босқич	Манфаатдор ҳудудий давлат органлари	1. Лойиҳани электрон тизим орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда кўриб чиқади. 2. Лойиҳани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойиҳани ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали эътироз ва таклифлари кўрсатилган жавоб хатини киритади. 3. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани ишлаб чиқувчига юборади.	3 кун муддатда
3-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани электрон тизимдан олади. 2. Лойиҳани манфаатдор ҳудудий давлат органининг тегишли ҳулосасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади. 3. Лойиҳани электрон тизим орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органидаги масъул ўринбосарга ва тегишли таркибий бўлинмаларга ёки маҳаллий вакиллик органлари котибиятлари ва доимий комиссияларига киритади.	3 кун муддатда

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
4-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул ўринбосари, тегишли таркибий бўлинмаси, маҳаллий вакиллик органи котибияти	<p>1. Лойиҳани электрон тизим орқали иш юритувига қабул қилади ҳамда кўриб чиқади.</p> <p>2. Лойиҳани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда лойиҳани ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали эътироз ва таклифлари кўрсатилган жавоб хатини киритади.</p> <p>3. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани ишлаб чиқувчига юборади.</p>	3 кун муддатда
5-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	<p>1. Келишилган (виза қўйилган) лойиҳани электрон тизимдан олади.</p> <p>2. Лойиҳани маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи масъул ўринбосари ва тегишли таркибий бўлинмалар ёки маҳаллий вакиллик органлари котибиятлари ва доимий комиссияларининг тегишли хулосасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади.</p> <p>3. Лойиҳани электрон тизим орқали тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизматига киритади.</p> <p>4. Лойиҳа маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати, ҳоким ёки Кенгаш раиси томонидан эътироз билан қайтарилган ҳолларда, лойиҳани қайта кўриб чиқади, такомиллаштиради ҳамда электрон тизим орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизматига қайтадан киритади.</p>	1 кун муддатда
6-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати	<p>1. Лойиҳани электрон тизим орқали иш юритувига қабул қилади ва уни кўриб чиқади.</p> <p>2. Лойиҳани электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки эътирозлари мавжуд бўлса, лойиҳани ишлаб чиқувчига қайтаради.</p> <p>3. Лойиҳани имзолаш учун</p>	2 кун муддатда

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
		<p>маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбарига киритади.</p> <p>4. Агарда лойиха маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари томонидан эътироз билан қайтарилган бўлса, лойихани қайта кўриб чиқади ҳамда ушбу қайта ишланган лойихани имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ёки вакиллик органи раҳбарига киритади.</p>	
7-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва маҳаллий вакиллик органи раҳбари	<p>1 Лойихани электрон тизим орқали қабул қилиб олади.</p> <p>2. Лойихани электрон рақамли имзо билан имзолайди, имзоланган ва махсус рақам билан ҳисобга қўйилган ҳужжатни электрон тизим бош саҳифасида автоматик тарзда эълон қилади (хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар бундан мустасно).</p> <p>3. Лойихани қабул қилиш ёки чиқаришни мақсадга мувофиқ эмас деб топса, лойихани белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш учун лойихани маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмат ходимига ёки ишлаб чиқувчига қайтаради.</p> <p>4. Имзоланган ҳужжатни электрон тизим орқали масъул ижрочиларга етказиш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи тегишли таркибий бўлинмаси ёки маҳаллий вакиллик органи Кенгаши котибиятига юборади.</p>	1 кун муддатда
8-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи тегишли таркибий бўлинмаси, маҳаллий вакиллик органи котибияти	<p>1. Имзоланган ҳужжатни электрон тизими орқали қабул қилиб олади.</p> <p>2. Имзоланган ҳужжатни электрон тизим орқали ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказилади.</p>	1 кун муддатда

**“E-qaror” электрон тизимини барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.	<p>“E-qaror” электрон тизимини ишга тушириш билан боғлиқ куйидаги тадбирларни амалга ошириш:</p> <p>маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ижрочилари (масъул шахслар)ни id.egov.uz ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтказиш;</p> <p>масъул шахсларни “E-qaror” электрон тизимида авторизациядан ўтказиш;</p> <p>масъул шахсларга “E-qaror” электрон тизимида шахсий кабинет очиш бўйича “UZINFOCOM” давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ администраторига мурожаат қилиш ҳамда рухсат олгандан сўнг кабинетга кириш;</p> <p>маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари расмий бланкаларининг электрон шаклдаги намуналарини “UZINFOCOM” МЧЖга юбориш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги
2.	<p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари томонидан “E-qaror” электрон тизимида ишлаш бўйича ўзларининг масъул ходимларини расмий хужжат (қарор, фармойиш, буйруқ ёки бошқа хужжат) билан бириктирилишини таъминлаш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
3.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзо билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
4.	“UZINFOCOM” давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ижрочиларини “Е-қарор” электрон тизимига уланишини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (туман ва шаҳар) томонидан “Е-қарор” электрон тизимида қарор ва фармойишлар қабул қилиш бошлангандан сўнг ҳокимликлардаги қарор ва фармойишларни рўйхатдан ўтказиш реестр китобини юритишни тўхтатиш ҳамда далолатнома асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топшириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари
6.	“Е-қарор” электрон тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва фармойишларни мазкур тизим доирасида ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш имкониятини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июль	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
				Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	“Е-қарор” электрон тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига автоматик тарзда жойлаштириш мақсадида ушбу норматив тусдаги қарорларни “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказига мазкур электрон тизим орқали юбориш имкониятини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июль	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	Республиканинг барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини “Е-қарор” электрон тизимида ишлаш бўйича ўқитиш юзасидан семинарлар ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь-июль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар
				ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
9.	“Е-qaror” электрон тизимида ишлаш юзасидан видеодарслар ва қўлланмалар тайёрлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июль	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Тизимда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, қабул қилинган қарор ва фармойишларда йўл қўйилган техник хатоликларни, ушбу хатоликка йўл қўйган ҳокимликнинг хатига асосан қарор мазмунини ўзгартирмаган ҳолда бартараф этиш чорасини кўриб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “22” июндаги 390 сон қарорига
5-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш
ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:
“«Е-қағоғ» электрон тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича амалий
чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин”.
2. 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

